

## БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қурбонова Мафтуна Фахриддиновна

Чирчиқ давлат педагогика университети, П.ф.ф.д (Phd)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7489290>

**Аннотация.** Уибу мақолада бугунги кунда бошлангич таълим тизими олдида долзарблик касб этаётган таълим сифатини ошириши, замонавий ёндашувлар, халқаро баҳолаш дастури талаблари ва мазкур талабларга рақобатбардош ўқувчиларни тарбиялашдаги муаммоларга мустақил ишларни ташкил этиши асосида самарали ечим берилиши тўғрисида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** ўқув-билиш компетенциялари, PIRLS баҳолаш дастури, таълим сифати, замонавий ёндашувлар, халқаро баҳолаш дастури талаблари, мустақил иш, мустақил ишлар жараёни, “Ўрганишдан-ўргатишгача” усули

## ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПОДХОДОВ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы повышения качества образования, приобретающего сегодня актуальность в системе начального образования, современные подходы, требования международной программы оценивания, а также способы обеспечения эффективного решения задач воспитания конкурентоспособных учащихся на основе организации самостоятельной работы с этими требованиями.

**Ключевые слова:** учебно-когнитивные компетенции, программа оценивания PIRLS, качество образования, современные подходы, требования международной программы оценивания, самостоятельная работа, процесс самостоятельной работы, метод «обучение-обучению»

## ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK BASED ON MODERN APPROACHES IN PRIMARY EDUCATION

**Abstract.** This article discusses how to improve the quality of education, which is gaining relevance today in the primary education system, modern approaches, the requirements of the international assessment program, and how to provide an effective solution to the problems of raising competitive students based on the organization of independent work to these requirements.

**Key words:** learning-cognitive competencies, PIRLS assessment program, quality of education, modern approaches, international assessment program requirements, independent work, independent work process, "Learning-to-teaching" method

### КИРИШ

Бошлангич таълим босқичи 1-4-синфларни ўз ичига олиб, асосан, ўқувчиларга ёзиш, чизиш, тўрт амал ёрдамида ҳисоблаш ва уларни амалга оширишнинг қонун-қоидалари ҳамда мустақил билим олишни ўргатади. Таниқли олим, профессор Б.Зиёмухаммедов таъкидлаганидек, педагогиканинг асосий қонунларидан бири берилаётган билимга қизиқтириш йўли билан ўқувчилар диққатини дарсга жалб этиш ҳисобланади [4].

Ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини PIRLS баҳолаш дастури талаблари асосида шакллантиришда мустақил таълимни ташкил этиш муҳим жараёндир. Мустақил таълим олиш жараёнини фаоллаштириш, ўқувчиларда мустақил таълим олишга бўлган интилиш, мавзуга оид маълумотларни мустақил тарзда ўқиб ўрганиш, мустақил таълим

олиш қўникма ва малакаларини шакллантириш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш меъзони бўлиб, у ўқувчиларда қуидаги хусусиятларнинг шаклланишига асос бўлади:

ўқувчиларда шахсий, касбий, индивидуал ва ёшга оид хусусиятларни намоён қилиш;

билимларни шакллантириш;

уларнинг ўқитиладиган фанларга оид билимларини режалаштириш;

синфда ва синфдан ташқарида олинган билимларни тартибга солиш, шунингдек назорат килиш учун онгли равишда фойдалана билиш;

ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Мустақил иш – бу шундай ўқув-билиш фаолиятики, бунда ўқувчининг фикрлаш кетма-кетлиги, унинг ақлий ва амалий ҳаракатлари таълим олувчининг ўзига боғлиқ ҳамда унинг ўзи томонидан аниқланади.

Кузатишларимиз ва мавзу борасида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида “мустақил ишлар жараёни” тушунчасига қуидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик: **мустақил ишлар жараёни – ўқувчи бўш вақтини мустақил тарзда мазмунли ва самарали ташкил этиши ҳамда ўзини-ўзи назорат қилиши, холис баҳолай олиш жараёнидир.**

Мустақил ишлар жараёнида ўқувчи қизиқишлиари асосида билимларини янада бойитишига эришиши мумкин. Шунинг учун мустақил ишлашни бошлангич синф ўқувчиларидан бошлаш мухим ҳисобланади. Мустақил ишлар жараёнида ўқувчи бўш вақтини режалаштиради, тартибга солади, амалга оширади, натижаларни қиёслайди, ўзини-ўзи баҳолайди ва назорат қиласи. Мана шу тамойиллар асосида ўқувчининг ўқув-билиш компетенцияси ривожланади.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Дарсда мустақил ишларнинг амалга оширилиши ўқувчининг эркинлигини таъминлайди, ишchanлик қобилиятини оширади, диққатини жамлай олиш қобилиятини тарбиялайди, хулқини яхшилайди. Мустақил ишлар жараёнида ўқувчи мустақил ўйлашга ўрганади. Мустақил ўйлашга ўрганган ўқувчилар ўзлари мустақил тарзда билимларни эгаллаши ҳамда муаммоларни таҳлил қила олади. Шунинг учун бошлангич синфлардан бошлаб ўқувчиларнинг фикрлаш операциялари (таҳлил қилиш, солиштириш, умумлаштириш, классификациялаш ва б.к)ни фаоллаштириш; уларнинг билиш фаолиятига қизиқишиларини; ўқувчининг мақсадга эришишда фаоллиги, мустақиллиги, тиришқоқлигини стимуллаштириш; фанлар бўйича ўзлаштиришларини мунтазам назорат қилиш; дарсларда ўқувчилар мустақил ишлари элементларини кенг жорий этиш билан ўқитиш методларини ранг-баранглаштириш; ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш шаклини такомиллаштириш; уларга индивидуал ёндашувни амалга ошириш бугунги қуннинг долзарб вазифаларидир.

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқ: “Мустақил фикрлаш – инсоннинг ўз олдида турган муаммоларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, метод, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишида ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир” [96].

Бошланғич синф ўқитувчиси ўз билимини мустақил ошириши, фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши талаб этилади. Бошланғич синф ўқитувчиларининг модератор, фасилитатор, тютор, ментор каби замонавий педагогик фаолиятларига таянган ҳолда мустақил ишлар жараёнини ташкил этиш ижобий натижа беради [1, 2, 3]. Бошланғич синфларнинг ўқитувчилари ўқувчиларнинг интилишлари, билиши, қизиқишилари, ўзлаштириш даражасини чуқур ўрганиш, таҳлиллаш, мониторинг қилиш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиш; ўқувчилар билан эмоционал муносабатларни амалга ошириш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолиятини қўллаб-қувватлаши ҳамда ўз билимларини оширишда доимий ижодий-илмий изланишлар олиб бориши ва маълум мақсадга йўналтириши зарур.

Ўқувчилар китоб билан ишлаши (дарслик, фан матнлари, луғат, жадвал, электрон маълумотлар излаш ва топиш ва б.к.); режа бўйича ишлаши; стандарт қўринишидаги масалаларни ечиши; бўш вақти режасини тузиш; ўз натижаларини таҳлил қилиш; эски ва янги материал ўртасидаги алоқаларни ўрганиш; ўзини-ўзи назорат қилишни амалга ошириши; шахсий ташаббуси бўйича ишлаши, ўрганилган билимларни қундаклик ҳаётида қандай амалий аҳамиятга эгалигини таҳлил қила олиши кутилаётган натижалар ҳисобланади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мустақил ишлар мақсади-вазифаси, мураккаблиги, кимларга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб фарқланади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг ўқувчи ёши, умумий билим даражасига мослиги, илмийлиги, тизимлилиги, қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алокадорлиги, шунингдек, бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характеристега эгалиги муҳимдир. Мустақил ишларнинг методик, назарий, амалий ва педагогик асослари таҳлил қилинса, самарали шакллари, воситалари танланса, самарали натижаларга эришилади. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт ва ўқувчининг қундаклик турмуш тарзи билан узвийлиги, илмийлиги ва тақдим этилаётган материалларнинг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўп қирраллилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим. Аммо энг асосийси, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш жараёнини ташкил этишда уларнинг ёш хусусиятлари, интилишлари, қизиқишилари ва билиш даражаларига эътибор қаратилади. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот-ташвиқот иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишларини, яъни ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда “ўрганишдан-ўргатишгача” кластерини амалга оширишга эътибор қаратилди. “Ўрганишдан-ўргатишгача” кластерида ўқувчи дастлаб ўрганади, тасаввур қиласи, тушунади, амалда қўллай олади. Амалда қўллай олиши ўрганилган билимни қайта ҳикоялашда, солишишида, умумлаштира олишда, қисмларга ажратиб таҳлил қила олишда, хulosалашда қўринади. Амалда қўллай олишнинг натижавийлиги тенгдошига, жамоада, кичик гурухда, оилада ўрганган билимларини қайта ўргата олишдир. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда “Ўрганишдан-ўргатишгача” кластерини жорий қилиш асосида ўқувчининг мустақил ишлар жараёнини ташкил этишга бўлган мотивацияси ошади.

Ўқувчилар дарсларда олган билимларидан амалий фаолиятда фойдаланади; ўқувчилар фаолиятнинг коммуникатив, аналитик, лойиҳали, ижодий типларини ўзлаштиради; ўқувчилар турли мураккабликдаги билимларни эгаллайди; ўқувчиларда турли тасаввурлар шаклланади; лугат билан ишлаш кўниммалари эгалланади, керакли ўлчашлар ўтказилади, олинган натижалар таҳлил қилинади; ўқувчилар синфдошларининг фаолиятини адекват баҳолашади; жамоада ўқувчиларнинг хулқи ўзгаради: улар бошқаларнинг фикрини эшита бошлайди, кўрқмасдан ўз шахсий фикрларини айта олади. Умуман олганда ўқитувчининг позицияси ўзгаради. У ўқувчига тайёр билимларни бермайди, аксинча ўқувчиларни ташаббускорлик ва мустақиллик қўрсатишга ундейди. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқишилари ва ўз қобилиятларини намоён эта олиши учун мустақил ишлаш фаолиятини ташкил этиши муҳим жараёндири. [41].

## МУХОКАМА

Мустақил ишларни бажаришда режалаштириладиган натижалар учта даражада намоён бўлади. **Биринчи даража:** мустақил ишлар орқали ўқишига мотивацияни шакллантириш, фаолият методларини эгаллаш ва уларни ташкил этиш, топшириқларни бажаришнинг турли методлари ва воситаларини билиш, ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш. **Иккинчи даража:** ўқувчи ёшига мос ҳолда топшириқни мустақил бажариш, фикрини айта олиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, классификациялаш, муҳокама қилиш, шахслараро ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш. **Учинчи даража:** ўрганган методларни мустақил қўллай олиш, ўз позициясини асослай олиш, вазиятни ва олинган натижани баҳолай олиш.

Мустақил ишларни ўқув ва ўйинли топшириқлар орқали амалга ошириш учун қулай таълимий муҳит яратишни қўйидагилар таъминлайди: умумтаълимий дастурларни режалаштиришда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ўқитувчиларнинг ўзаро муносабати; ўқувчиларнинг индивидуал таълим маршрутларини бажариш; тўгарак, секциялар кабилар орқали ўқувчиларнинг қобилиятларини қўрсатиш ва такомиллаштириш; интеллектуал ва ижодий характердаги мусобақаларни уюштириш; мустақил ишлар давомида инновацион таълимий ва тарбиявий технологияларни қўллаш; ўқитувчилар ёрдамида ўқувчиларнинг юқори мустақил фаолият натижавийлигига эришиш.

Мустақил ишлар жараёнининг ўзига хос хусусиятлари: бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш; фаолиятнинг ҳар хил турларига жалб этилганлиги; фаолият методларини, индивидуал фаолиятини амалга ошириш қобилиятларини шакллантириш; билишга қизиқишиларни шакллантириш; фаолиятни амалга оширишда мустақиллик бериш; таҳлил қилиш, умумлаштириш, классификациялаш, асослаш, ўхшашларни топиш каби ҳаракатларни эгаллаш; мақсадни, асосий вазифаларни аниқлаш қўниммаларини ўзлаштириш, улар асосида тахминларни илгари суриш, ҳаракат схемаларини тузиш, олинган натижаларни англаш ва уларни таҳлил қилиш; ўқувчиларни турли ахборотлар билан ишлашга жалб этиш; қулай ҳаётий ва ижтимоий қоидаларни қўллаб-қувватлаш; ўқувчиларнинг эҳтиёжи, қобилиятига мувофиқ фаолият мазмунининг адаптивлиги; фаолиятнинг вариативлигини тақдим этиш.

Мустақил ишлар жараёнида ижодий муҳитни вужудга келтириш учун ўрганиладиган мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда қўйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз: дарсда ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларини мустақил ҳолда янги, кутилмаган вазиятларда қўллаш вазиятини вужудга келтириш

мақсадида анъанавий ўқитиш методлари бўлган оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлари билан бир қаторда мустақил иш, муаммоли, мантикий ўқитиш методларидан фойдаланиш; мавзу мазмунини ҳисобга олган ҳолда ўқув муаммоларини вужудга келтириш орқали аввал ўрганилган обьектларнинг ўзига хос хусусиятларини одатий ва таниш вазиятдаги муаммоларни англаш ҳамда уни ҳал этиш йўлини тавсия этиш, ушбу омил ўқитиш жараёнида муаммоли ўқитиш методи устуворлигига асосланади; ўқув муаммоларини ҳал этиш орқали таниш обьектнинг янги хусусиятларини топиш, ўқувчилар аввал ўрганилган обьектга хос янги хусусиятларни аниқлашга йўналтирилган омилда ўқитиш жараёнида мантикий методлар устуворлигига таянади; тузилиш ва функционал қонуниятига асосан тушунчалар ўртасидаги алоқалар, сабаб ва оқибатларни аниқлаш, ушбу омил ўқитиш жараёнида муаммоли ўқитиш ва мантикий методларни мужассамлаштиришни тақозо этади; ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан дарсда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш учун турли вариантлар асосида фикр юритишга имкон яратиш, мазкур жараёнда оғзаки, кўргазмали, муаммоли ўқитиш ва мантикий методларни мужассамлаштириш заруратини келтириб чиқади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрьдаги ПФ-5538 сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.- Тошкент, 06.09.2018 й., 06/18/5538/1840-сон.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187 сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами.- Тошкент 2013. 20-сон, 251 б.
3. Ковалевой Г.С. Путь к мастерству: Психолого-педагогический практикум. - Рязань, 2004.
4. Дмитриев А.Е. Эффективность формирования умений и навыков в системе начального обучения // Педагогика. - 1991. № 5. - 23-29 с.
5. Қурбонова М.Ф. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш аҳамияти // Халқ таълими. – Тошкент, 2020. 3-махсус сон. – Б. 29-33 (13.00.00. № 17).
6. Қурбонова М.Ф. Ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда коучинг методикаси // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2020. Махсус сон № 1. – Б. 8-10 (13.00.00. № 4).
7. Қурбонова М.Ф. Мустақил ишларни ташкил этиш асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган методлар // Муғаллим ҳэм үзликсиз билимленидириў. – Нукус, 2021. – Б. 112-116 (13.00.00. № 20).